


БУ БИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ!

Юртимизда мустақиллик байрамининг илк бор нишонланишини қандай эслайсиз?



Эгамкул ТОХИРОВ, Окқўрғон тумани:

— 1992 йилда Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилинганда, аввалга ажабландим. Хар ҳолда «Бу эллик ёки олтимиш йиллик сана эмас-ку, бир йиллиги ҳам шунчалик бўладими?» деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Кейин кўзимизни каттароқ очиб қарасак, дунёда мустақиллик байрамидан кўра буюқ шодиёна йўқ экан. Ишончим комилки, истиқлолнинг мустақамланишида хар йили орзиқиб кутадиган энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг ўрни алоҳида.

Носир САТТОРОВ, Сайхунобод тумани:

— Ўз мамлакатинг, ўзинг мансуб бўлган миллатдан ғурурланиш кераклигини бизга шу байрам ўргатди. Бунда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг тарихий хизматлари бекибдир. Мана, бу йил ўнинчи бор байрам қиламиз. Халқимиз ўша кунни интиқиб кутмоқда.

Тошбой ОМОНОВ, Денов тумани:

— Уни кўпчилик эслай олса керак. Чунки байрам оқшоми ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан янгича тартибда ўтганди. Байрамларимиз илгари бундай ўтказилмагани учунми, уни илк бор телевизордан ажиб бир ҳайрат билан томоша қилганман.

Олима АҲМЕДОВА, Тошкент шаҳри:

— Биринчи сентябр кунини сайилга чиққанмиз. Кўча одамлар билан тўлиб кетган эди. Уларнинг хечрасидан ҳам ҳайратни, ҳам ажабланишни уқиш мумкин эди. Эндиликда ўз ҳаётимизни бу байрамсиз тасаввур этолмаймиз.

Абдулхамид АБДУФАНИЕВ, Хўжабод тумани:

— Ҳа, биз илк бор халқимиз қувончининг ифодаси бир майдонга ҳам бўлганидан шодлангандик. 1992 йилда ўтказилган тантана маънавий ҳаётимиздаги туб бурилишга сарчашма бўлганди.

Ўзбекистон — келажаги буюқ давлат

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 10 август жума Сوتувда эркин нархда № 156 (2718)

Олий Мажлис сессияси олдида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этган йилги сессияда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси ҳақида ва аҳолига таъдил қилинди. Йилги ишларни қўмита раиси А. Аҳадов олиб борди. Давлат бюджетининг ижроси бўйича дастлаб Молия вазирининг ҳисоботи тинланди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

унинг биринчи ярим йиллик ижросида қандай натижаларга эришилди?

Қўмита даврида мамлакатимизда макрокўрсаткич ва молиявий барқарорлик мустақамланганлиги, иқтисодийдаги мутаносиблик сақланган ҳолда, унинг стабил тармоқлари уйғун ривожланишига эришилганлиги таъкидлаб ўтилди. 2001 йилнинг биринчи ярим йилликда Давлат бюджетининг ижросидаги тегишли қўмиталарнинг ҳисоботи тинланди. Давлат бюджетининг ижросидаги тегишли қўмиталарнинг ҳисоботи тинланди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йилликда Давлат бюджетининг ижросидаги тегишли қўмиталарнинг ҳисоботи тинланди. Давлат бюджетининг ижросидаги тегишли қўмиталарнинг ҳисоботи тинланди.

2001 йилнинг биринчи ярим йилликда Давлат бюджетининг ижросидаги тегишли қўмиталарнинг ҳисоботи тинланди. Давлат бюджетининг ижросидаги тегишли қўмиталарнинг ҳисоботи тинланди.

ОППОҚ-ОППОҚ ТОВЛАНДИ ХИРМОН

Оқдан тунда пахтазор бошида ўтирганмисиз? Ана шунда қулоқ тусангиз, қундузи шовқин-сурунлардан тин олган гўза пайкаларидан чирсиллаган сас келди. Бу бўлиқ қўсақларнинг дўпби-лўши очилишидан нишондир. Эрта баҳорда асакалик деҳқонлар тинчлиги очилишидан нишондир. Тилаволида Ёқубов уруғ ташлаша анча «инжирқоқ» чиқди. Бир оёғи далада, бир оёғи уруғ етказиш пунктларида бўлди. Хуллас, янгилимаган экан, мавжуд 5995 гектар майдондаги гўза ниҳоллари бир текис бўй кўрсатди. Деҳқоннинг меҳнати оғир бўлганидек, унинг сурури дамлари ҳам кўп бўлади. Асакалик қай бир пахтазордан сўраманг, чигитнинг экилишидан тортиб, униб чиқишиво гуллашганча бўлган саналарни бирма-бир айтиб, ана бу борда мамакатада биринчилардан бўлишганини фахр билан кўшиб қўйишди. Бу йил ҳам шундай бўлди. Чигитнинг плёнка остига экиш ҳақини олган деҳқонлар меҳнатга эъри берилди. Қолаверса, об-ҳавонинг қулай келиши олий йил-термини 6 августгак бўлаша имкон берди. Аини пайтада туманининг «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги далаларида бўлганига, эгитларга турнактор тизилган теримчиларга кўзингиз тушади. — Пахтамининг 70-80 фоизи гўза очилиб бўлди, — дейди ширкат хўжалиги раиси Абдуҷаббор Матқўбоб. — Шу боис ҳам энди кутишга ҳожат йўқ. — Раис миймачиларга тобингиз қандай? — сўраймиз ҳазил аралаш. — Биз эрда хар бир гектар ер оилавий пурақчиларга бўлиб берилган. Хар ҳолда уларни бу гапга кўндириб бўлмас керак-оқ. Асакаликлар ўтган йили режани 14 сентябрда урдалашган эди. Бу йил эса улар Мустақилликнинг 10 йиллик гўйига гўёна сифатида оппоқ-оппоқ хирмонлар билан кириб келишни ниёт қилиб туришибди.



(Фоторепортаж)

Кўкрагимизга шамол тегди

Мустақиллик кимнинг нималарга қодирлигини кўрсатиб берди. Гап сотадиган эмас, ишлайдиган замон келди. Деҳқоннинг кўкрагига шамол тегди. У ўз даласига, кўрган хосилга эга бўлди. Хирмони, даромади меҳнатга болглик эканлигига ишонган одам, керак бўлса, тоғни уриб талқон қила олади. Биз бу йил 21 гектар ердан 100 тоннага яқин буғдой олдик. Шундан 20 тоннаси ўзимизга тегди. Сотилганининг

Ассалом, жаҳон чемпионати!

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзқўрғазмасвод» марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида IX жаҳон биринчилиги тантанали равишда очилди. Халқаро ҳаваскорлар кураши ассоциацияси (FILA) ўз таркибиде 125 та мамлакатнинг миллий федерацияларини бирлаштирган. Агар уларнинг хар бири биттадан жаҳон чемпионатини ўтказиш истагини билдирган тақдирда, ўшбу нуфузли мусобақа хар икки йилда ташкиллаштирилишини хисобга олсак, 250 йилдан кейин навбат тегиши ойдинлашади. Аммо, хабарингиз бор, мусобақа мезбонини аниқлаш тартиби бундай тарзда амалга оширилмайди. Аввало, спорт ривожига, оммавийлигига катта эътибор қаратилаётган, беллашувларни юксак савияда ўтказиш имкони бўлган давлатга ишонч билдирилди. Маълумки, Президентининг

полволлар, барча меҳмонларни спорт байрами бошлангани билан қутлаб, уларга омад тилади. Маросим сўнггида мамлакатимиз санъат усталари томонидан катта концерт дастури намоиш этилди. Шундан сўнг 50, 54, 58, 63, 69, 76, 85, 97 ва 130 килограмм вазн тоғфаларидаги эркин ҳамда юнон-рум кураши бўйича ёшлар дастлабки беллашувларни бошладилар. Мусобақалар 13 августга дам олади. Мусобақанинг очилиш маросимини Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулагов ва ФИЛА вице-президенти М.Биро иштирок этди. Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ — ПОЙТАХТДА

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Бадий академия ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Шу азиз Ватан — барчамизники!» фестивалида бу гал Самарқанд вилояти вакиллари самарқандча меҳмоннавозлик удумини намойиш қилдилар.

Бадий академиянинг марказий кўрғазмалар залида ташкиллашган тадбирнинг очилиш маросимиде сўзга чиққан Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов, Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон, Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари А.Аматов Самарқанднинг мамлакатимиз давлатчилик тарихида тугган ўрни, мустақиллик йилларида юз берган улкан ўзгаришлар ҳамда воқодаларга таъкидлаб илҳолат берди.



СУРАТЛАРДА: Фестивалдан лавалар. Д.ЮСУПОВ олган суратлар.

ганда, Абдулла қулол 1648-1735 йилларда яшаб ўтган экан. Нўмонжон Облоқулов эса унинг саккизинчи авлоди. Нўмон қулол ясаган сопол буюмлар бутун Америка, Япония, Венгрия, Покистон сингари мамлакатларда ўтказилаётган халқаро ярмаркаларда намойиш этилмоқда.

Вилоятда ҳозир бир ярим мингга яқин уста-хунарманд 30 дан ортиқ ҳунар тури билан шуғулламоқда. Улар орасида мустамака йилларида унутилиб кетган ҳунар турларини тиклаётган моҳир ижодкорлар ҳам бор. Шаҳардаги «Рухоб» мақбара-мажмуидеги 34 ҳужра хунармандлар ихтиёрига берилган.

Аёллар тўпланиб, қизикчи билан томоша қилаётган матолар барчанинг эътиборини тортди. Хунарманд Шоира Ғаниева қадимдан ўзига хос усулда тайёрлаб келинган табиий бўёқларни ўрганиб, турли гуллардан ранг олиб, матоларга безак беради. Махшур расомлар Аслидин Исав, Мирсанн Саматов, Нуриддин Калоннинг ранг-таъсир асарлари ҳам кўрғазмага ўзига хос бағишланди. Залининг қаттигина қисмидан вилонинг буюғи ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва қадим тарихидан ҳикоят қилувчи фотосуратлар жой олган.

(Давоми 2-бетда).

2001 йилнинг ўтган етти ойи мобайнида судлар 9446 кишига нисбатан инсонпарварлик далолатномаси қўллаш бўйича ижобий ажримлар чиқарди, яъни 2029 киши жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинди, 6297 кишига нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан болглик жазо енгилроғи — ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилиб, уйларига жўнатилди, 1120 киши манзил-колонияларга ўтказилди.

БАҒРИКЕНГЛИК

у кўпгина хонадонларга меҳр олиб кирди

интизом бўлмайди. Қонунга бўзимди, муносиб жазолансин. Маълумки, Мустақиллик ўз Конституциямиз билан ҳуқуқий демократик давлатнинг тамал тошини қўйди. Унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш бош омил этиб белгиланди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», дея Асо-

суй қонунимизда эътироф этилган. Утган ун йил давомида ана шу тамойил асосида иш юритилди. Аннқроқ қилиб айтганда бўлсак, давлатимизда инсонпарварлик ва одилликнинг турли кўринишлари мавжуд. Шулардан бири Мустақиллик даврида Президентимиз И.А.Каримов томонидан чиқарилган амнистия тўғрисидаги Фармонлардир. Инсоннинг феълида бир хусусият бор. Боши деворга урилгандан кейин кўзи каттароқ очилади. Ақлини йириб олади. Қилган хатосини тушунади. Шу сабабли жиноий жавобгарликка тортилган, жиноят содир этиб, қилмишига яраша жазо тайинланган кишиларнинг гуноҳидан ўтиляпти. Албатта, кечирishi мумкин бўлганларини, Кечирishнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаган давлатимизнинг ишончини ўз меҳнати ила оқлаётган собиқ маҳкумлар кўрсатилган одамгарчиликдан, табиийки, мамну. Уларнинг оиласи, қариндош-уруғи, қуда-андасининг қувонгани ҳам рост. Бундан ташқари, улар билишди: тўғри йўлдан

(Давоми 2-бетда).

Хориж сармоясига — паррандачиликка

Омад изланганга ЁР БЎЛАДИ

Сабасига ва воқелик, на оқибат юзага келади. Раҳбарларнинг нўноқлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзларию маҳсулот таннархининг осмонга чиқиб кетганилиги, ишчи ва хизматчиларга вақтида ҳақ тўланмаслиги натижасида Шароф Рашидов туманидаги Бобур номи паррандачилик ҳиссадорлик жамияти 1997 йилнинг охирига бориб бутунлай иқтисодий танозулга юз тулди. 1998 йили вилоят ҳўжалик суди ҳиссадорлик жамиятини банкрот, дея эълон қилди.

Ҳўш, хориж сармоясига киритилган ҳўжаликда бугун ишлар қандай кетаяпти? — Акбарий жаноблари билан иш бошлаганимизга ҳали бир йил бўлгани йўқ, — дейди ҳиссадорлик жамиятининг раиси Ҳасанбой Ҳожиқов. — У кишига қойил қолмасдан бўлмайди. Бугунги кунгача издан чиққан ҳўжаликни қайтадан тиклашга салкам юз миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада 18 та товуқхона, инкубатория, 4 қақиримлик тоза сув ва газ қувурлари тармоғи қайтадан таъмирланди. Шу кеча-қушда шехларимизда 130 минг бош ҳўжа парваришланаёпти. Мустақил-

лик байрами арафасида, аниқроғи, 25 август кунини эътиборга олинаётганда, 30 минг донна туҳумни жўнатилиши мўлжаллаб турибмиз. — Бажарилган ишни оғизда гапириб бериш жуда ҳам осон. Ҳозирги яхши аҳволга паррандабоқарларнинг, таъмирчиларнинг ойлари давомда қилган меҳнати сабаб бўлганлигини биз яхши биламиз. Айтишнинг, ҳамкорликда бошлаган фаолиятлариниқ даялатга ва ҳўжаликка, рақамлар тили билан айтганда, қандай фойда келтирди? — Бугунги кунда ҳўжалигимизда 140 нафар паррандабоқар самарали меҳнат қила-

япти. Уларнинг ўртача маоши 17-20 минг сўмни ташкил этади. Маҳсулот чиқарила бошлаганга эса, ана шу маош миқдори икки баравар кўпайиши режалаштирилган. Қолавера, ҳўжалигимизда яна 150 та ишчи ўрни яратилди. Бозор ва дўконлар арзон ва сифатли маҳсулот билан бойитилди. Биз йилга 25 миллион донна туҳум етиштириб беришни мўлжаллаб турибмиз. Энди фаолиятимизнинг бир чўта ташлаб кўрайлик. Фойдалан давлатга миллион-миллион сўм солиқ тўлаймиз. 300 нафар паррандабоқарларимиз катта маош ва муқим иш жойига эга бўли-

шди. Туҳумнинг нархи бирмунча арзонлашди. Буларнинг ҳаммаси қутилаётган реал натижа ва реал нафидир. — Чет эл сармоясига жалб қилинган ҳўжаликнинг истиқбол ҳақида нима дея оласиз? — Эртанги кундан умидимиз катта. Ҳали ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун 200 миллион сўм сарфланиши кутилмоқда. 25 миллион донна туҳум тайёрлаш биз учун чегара эмас. Келгусида бу кўрсаткични 35-40 миллион доннага етказишни мўлжаллаялми. Ҳўжалигимизнинг 150 гектар экин майдони, 15 та автомашинаси ва 5 та турли русумдаги техникаси мавжуд. Иштироқда маблағ бўлгач, парранда озуқаси тўғрисида қайтурсан ҳам бўлади. Лўнда қилиб айтганда, биз аллақачон депениши ҳолатидан узиш-кесил чиқиб кетдик. Иштиқол байрами арафасида шуни мамнунийат билан таъкидлашманки, ҳўжалигимиз паррандабоқарлари ўз меҳнатлари ва қўлга киритаётган катта ютуқлари билан Ўзбекистонимизнинг иқтисодий жиҳатдан янада тўлаб-янашига баракали ҳиссаларини қўшалди.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Диққат: янгилик!

4

баробар арзон дарсликлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 39-сонли қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари» асосида дарсликларнинг янги авлоди яратилиб, нашр этилиши узлуксиз давом этаёпти. Маълумки, ҳар йили республикадаги барча мактабларнинг биринчи синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик уйлари» ва махсус мактабларнинг ўқувчилари дарсликлар билан бепул таъминланмоқда. Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан 2001-2002 ўқув йили учун ҳам давлат бюджети ҳисобидан 1,6 миллиард сўм ажратилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг 2-11-синф ўқувчилари учун эса дарсликлар шу кунларда дўконларда сотувга чиқарилган. Ота-оналар, хозирнинг ўзидаёқ исталган дарсликни харид қилиб, фарзандларини хурсанд қилиш имкониятига эгадирлар.

Шу билан бирга, ўқувчи болаларни дарслик билан таъминлашда ҳам ота-оналарга, ҳам болакайларнинг ўзларига қўлайлик туғдириш мақсадида давлатимиз томонидан янги, самарали тадбирлар қўриляпти. Шундай тадбирлардан бири — ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимида. Бу тадбир Халқ таълими вазирлиги томонидан Осиё Ривожланиш банки лойиҳаси доирасида ва дарсликлар бўйича Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Бу йил ушбу тадбир барча мактабларда эмас, балки тажриба тарикасида, хозирча фақат ўзбек-

ча мактабларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманидаги барча мактабларда, жамми 14 туманда ташкил этилмоқда. Булар **Беруний, Қўргонтепа, Когон, Дўстлик, Ғузор, Навоий, Тойлок, Ангор, Гулистон, Бекобод, Собир Раҳимов, Охунбобоев ва Урганч туманлари**дир. Тажриба-синов ўтказилган туманлардаги куйидаги дарсликлар ижарага берилди: 2-3-синф ўқувчилари учун — она тили, ўқиш китоби, математика, рус тили, 5-синф учун — она тили, адабиёт, математика, рус тили, ботаника, инглиз тили, 6-синф учун — она тили, адабиёт, математика, рус тили, инглиз тили, ботаника, зоология, физика, 7-синф учун — она тили, адабиёт, алгебра, рус тили, зоология, физика, Ўрта Осиё табиий географияси, Ўзбекистон табиий географияси, 8-синф учун — она тили, адабиёт, алгебра, физика, одам ва унинг саломатлиги, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси, информатика-ҳисоблаш техникаси асослари, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари. Тажриба-синов натижалари муваффақиятли яқунланса, 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимини бошқа мактабларга татбиқ этиш

ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚҚА ҚАЙТМОҚДА

Имом ал-Бухорий халққаро жамғармаси вилоятларда катта маърифий тадбирларни ўтказишга киришди. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан «Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши» мавзусидаги туркум илмий-амалий анжуманлар бошлаб юборилди. Анжуманларнинг биринчи-бешинчи босқичлари Бухоро, Самарқанд, Хива, Андижон, Наманган шаҳарларида муваффақиятли ўтди. Навбатдагиси — олтинчи босқич Фарғонада ўтмоқда. Яқунда босқич эса 17-18 август кунлари Тошкентда ўтказилиши мўлжалланган. Деярли уч ойдан бери давом этаётган илмий-амалий анжуманларда вилоятларда олиб борилган маънавий-маърифий ишлардаги жамғарма иштирокини яна-

да жонлантириш, жойларда миллий-диний қадриятларнинг тикланиши жараёнини ўрганиш ва соҳа мутахассислари билан юзма-юз мулоқот қилиш мақсад қилиб қўйилган. Қизил бахш ва мунозараларда маънавият ва истиқлол мафқурасига оид муқим масалалар, миллий-диний қадриятларга муносабат мавзусларида кенг жамоатчилик — олимлар, шоирлар, дин уламолари, ўқитувчилар ва бошқа соҳа мутахассислари фаол иштирок этиб, фойдали мулоҳазалар билдирмоқдалар. Айниқса, анжуман материаллари акс этган махсус нашрларнинг жамғарма томонидан иштирокиларга тақдим этилаётгани эътиборли воқеа бўлди.

З.МУНАВВАРОВ, Қ.ЙҮЛДОШЕВ.



СУРАТЛАРДА: Янгиқўрғон дон қабул қилиш пунктининг умумий кўриниши; корхона ишчиси Юдуз Ботирова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида асосан мева-сабзавот ва галла етиштирилади. Ҳар йили 25 минг тоннага яқин дон 60-65 километр олинсадаги вилоят марказига ташиб келинади. Бу ҳол ортқича сарф-харажатларнинг ошиб кетишига сабаб бўлаётганлиги. Жорий йилда ана шу муаммо ҳал этилди: туманда дон қабул қилиш пункти қуриб битказилди.

Ҳўш, қандайдир аҳоли истиқомат қиладиган «Йўрмалар» маҳалласини марйонликлар чин маънода байналмиал маскан, деб аташди. Маҳалла ўрамини яшайдиган татарлар, тожиклар, қирғизлар, мексикети турклар, руслар ўзбеклар билан бирга бир оила фарзандидой, мустақил юртимиз равнақи йўлида ҳормой-толмай меҳнат қилишяпти. Яна маҳалла ҳақида гап кетса, збилилар маҳалласи ҳам, деб қўйишди. Чунки 550 нафардан ортқ олий маълумотли, 275 нафар ўрта махсус маълумотга эга бўлган, ўндан ортқ касб эгалари учун ҳам у муқаддас ошибди.

Маҳалланг — Ватанинг, ота-онанг гина Уттан йилнинг ўзида шу тадбирда 20 дан ортқ маҳалла аҳли, ўқитувчилар, ўқувчилар иштирок этиди. Эндиликда жўр синфларда ўтказилаётган машғулотларда маҳалла кўмитаси аъзоларининг доимий қатнашиши одат тусига кириб қолди.

АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИ

— 910 йиллиги кенг нишонланган буюк юрғашимиз Аҳмад ал-Фарғоний «Йўрмалар» маҳалласидаги Фур Сиддик мадрасасида салкам ўн тўрт йил илму сабоқ олган, ислом ҳуқуқшунослигининг сир-асрорларини ўрганган, — дейди маҳалла фуқаролари йигини раиси Муҳаммадjon Ҳамдамов. — Тарихдан аёнки, «Ал-Ҳидоя» китобининг дастлабки қисми «Дарфариш аъвал» шу муборақ заминда дунё юзини кўрган. Шу китоб битилган чиллахона, мадраса ҳозиргача сақланиб қолган. «Ҳидоя»да болалик ва ўсимлик даври — инсон умрининг энг нозик, энг мураккаб даври эканлиги, шу ёшда инсон онги, ҳулки ва ахлоқи, маънавий қиёфаси тўғал шаклланиши алоҳида қайд этилган. Бу фикр ҳозир ҳам муқим. Ҳали суғи қотмаган фарзандлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, тарбияси, маънавияси тили билан шуғуллан қомил келажакда уларнинг қандай инсон бўлиб етишмоғига ҳеч қандай асра олмайд.

Шу нуқтага назардан келиб чиқиб, маҳаллада 9-синфини битирган, лекин айрим сабабларга қўра, ўқиниш давом этишга олмаётган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилляпти. Маҳалла фуқаролари йигини қошида илму комиссияси фаолият кўрсатаёпти. Бу комиссиянинг иш тартиби,

Маҳалла фуқаролари йигини ешлар тарбиясини бево-сита касбга йўналтириш билан ҳамкорликда олиб боришга ҳаракат қиляпти. Бу йўналишда ибратли оилаларнинг ҳаёти, фаолияти, шу тугиш доимо намуна қилиб кўрсатиляпти. Маҳалланинг Навоий даҳрасида яшовчи Тоҳиржон ака Тоҳирбаев оиласида 4 нафар фарзанд ва 10 нафар набирани авлодан-авлолга ўтиб келётган хунари бор. У бир неча йиллардан бери темирчилик касбинини эълозлаб келди. Марғилонда йўрмалар-ўзлик темирчилик қарни кураш суеятариликка қарини қўриш самарасидир. Сурхондариё сархалларидир террорчилар билан аёнсиз жангда қўрбон бўлган Бобуржон Ғаниев ҳам айнан шу маҳалла фарзанди. Йўрмаларликлар қаҳрамонини Бурхониддин ал-Марғиновичи чиллахонаси ёнига дафн қилишди. Маҳалла кўчаларидан бири эса унинг номи билан аталамоқда. Яқинда унинг хотира-сига бағишланган футбол му-собоқаси бўлиб ўтди.

Йўрмаларликларнинг маҳал-лани маънавият ва маърифат маскани, аҳиллик қўрғонига айлангиринилари, ешлар ўрасида жиноятчилик ва қонбузарликнинг олдини олишга ташаббус-корлик ва намуна кўрсатишларига шак-шубҳа йўқ. Сўнгги йилларда тадбир-корлар сафи тобора кенгайиб бораёпти. Попотчи ва зарду-лар сулоласига асос солган ма-лархум Кориняхон аянинг касб сирларини қизи Ҳабибахон, неваралари Мунаввархон, Муқдамжон, Манзураҳонлар давом эттиришяпти. Уларнинг асосий касби — ҳамши-ралик. Попочиликни эса ишдан сўнг, бўш вақтларида амалга оширишади. Ондада мустақиллик байрамига атаб

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

Ўз акциядорлари ва мижозларини, бутун Ўзбекистон халқини республикамиз мустақиллигининг 10 йиллик байрамини билан табриклайди.

Юбилей шарафига 2001 йил 10 августдан сентябрга 20 августгача бўлган давр мобайнида 3 ойдан 1 йил муддатгача очилиб, ҳар ойда йиллик 40 фоиздан 60 фоизгача даромад тўланадиган янги

«ИСТИҚЛОЛНИНГ МУБОРАК»

омонатини тақлиф этади.

Ушбу қувончли кунларда сизларга соғлиқ, оилавий бахт ва муваффақиятлар тилайди!

«ПАХТА БАНК»

ФАРОВОНЛИГИНИЗ КАЛИТИДИР!

